XORAZM VILOYATI XIVA SHAHAR HOKIMINING QARORI

2021 - yil 11 - oktabr 62-12-217-Q/21 Xiva shahar hokimligi

Хива шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш мақсадида шаҳардаги умумтаълим муассасаларига микроҳудудларни бириктириш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6, 25-моддалари, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низомнинг 39-бандига асосан шаҳарда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига ҳудудлар (микроҳудудлар)ни бириктириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1.Хива шаҳар мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2.Хива шаҳар ҳокимлиги (М.Рахмонов), шаҳар халқ таълими бўлими (З.Рахимова), шаҳардаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш холати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3.Шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 июлдаги 1430-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4.Белгилансинки, шаҳардаги умумтаълим муассасалар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул ҳисобланади.

5.“Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш” бўлимига (Ш.Садуллаев) маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларига амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

6.Мазкур қарор шаҳар ҳокимлигининг расмий веб.сайтига жойлаштирилсин ва “Хива тонги” газетасида расмий эълон қилинсин.

7.Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати ижтимоий

ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Т.Давлетов**

Хива шаҳар ҳокимининг
2021 йил 11 октябрдаги
62-12-217-Q/21-сон қарорига
1-илова

Хива шаҳрида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микроҳудуд)

РЎЙХАТИ

Умумтаълим Т/рмуассасаси рақами	Умумтаълим муассасаси жойлашган манзили	Умумтаълим муассасасига бириктирилган ҳудуд (м.ф.й. ёки кўча)
1. 1-мактаб	“Янги хаёт” маҳалласи	“Янги хаёт” маҳалласида жойлашган “Огаҳий”, “Бобур”, “У.Хайём”, “Жағманий”, “О.Юсупов”, “С.Айний”, “С.Назарий”, “Охунбобаев”, “Нажмиддин Кубро” кўчасидаги корпуслар, “Р.Шарипов”, “Беруний”, “Комил Девоний”, “Ш.Девонов”, “Чокар”, “Ибн-Сино”, “Жалоладдин Мангуберди”, “У.Қурбоний”, “Феруз” кўчалари
2. 2-мактаб	“Янги турмуш” маҳалласи	“Янги турмуш” маҳалласида жойлашган кўчалар
3. 3-мактаб	“Янги турмуш” маҳалласи	“Янги турмуш” маҳалласида жойлашган кўчалар
4. 4-мактаб	“Мевастон” маҳалласи	“Мевастон” маҳалласида жойлашган кўчалар
5. 5-мактаб	“Калта минор” маҳалласи	“Калта минор” маҳалласида жойлашган кўчалар
6. 6-мактаб	“Гулирайхон” маҳалласи	“Гулирайхон” маҳалласида жойлашган кўчалар
7. 7-мактаб	“Лолазор” маҳалласи	“Лолазор“ маҳалласида жойлашган “Ўзбекистон”, “Қорабайир”, “Каспий”, “Наврўз”, “Марифатчилар”, “Гулҳаёт”, “Табобат”, “Машҳур”, “Янгиер”, “Жайхун”, “Олмазор”, “Машъал”, “Зарафшон”, “Байрам”, “Паҳлавон”, “Истиқбол” кўчалари
8. 8-мактаб	“Қумяска” маҳалласи	“Каптархона” ва “Қумяска” маҳаллаларида жойлашган кўчалар
9. 9-мактаб	“Дўстлик” маҳалласи	“Гулшан-2” маҳалласида жойлашган “Келажак сари”, “Кўхна Хива” кўчалари
10. 10-мактаб	“Тозабоғ” маҳалласи	“Сангар”, ва “Тозабоғ” маҳаллаларида жойлашган кўчалар
11. 11-мактаб	“Бинокор” маҳалласи	“Бинокор” ва “Гулистон“ маҳаллаларида жойлашган кўчалар ҳамда “Гулшан-2” маҳалласида жойлашган “Нурли йўл”, Омадли”, “Гулшан” кўчалари
12. 12-мактаб	“Гиламчи” маҳалласи	“Гиламчи” ва “Газчи” маҳаллаларида жойлашган кўчалар
13. 13-мактаб	“Ангарик” маҳалласи	“Ангарик” маҳалласида жойлашган кўчалар
14. 14-мактаб	“Қиёт” маҳалласи	“Лолазор” маҳалласининг “Осиё”, “Сабр қаноат” ва “Полвон дарвоза” кўчалари
15. 15-мактаб	“Шихлар” маҳалласи	“Шихлар” ва “Қибла тозабоғ” маҳаллаларида жойлашган кўчалар
16. 16-мактаб	“Қиёт” маҳалласи	“Қиёт” маҳалласида жойлашган “Хива”, “Буюк мақсад”, “Бахт”, “Афсона”, “Обод”, “Орзу”, “Тинчлик”, “Фаробий”, “Навниҳол”, “Эркин”, “Ижодкор”, “Тонг юлдузи”, “Нуруллабой”, “Янги давр”, “Янги ҳаёт”, “Боғистон”, “Аъло”, “Жаннатмакон”, “Файзобод”, “Султонобод” кўчалари

17. 18-мактаб	“Сангар” маҳалласи	“Янги ҳаёт” маҳалласида жойлашган “Лохутий”, “Фурқат”, “Хамид Олимжон”, “Х.Рахимов”, “Амир Темур” кўчалари, “Нажмиддин Кубро” кўчасида жойлашган хўжалик жойлари; “Қиёт” маҳалласида жойлашган “Фозилон”, “Оташ қалб”, “Ойдин йўл”, “Равнақ”, “Ибрат”, “Нафис”, “Нурафшон”, “Камолот” кўчалари, “Буюк йўл” кўчасининг 1 - 70 рақамли уйлари; “Лолазор” маҳалласида жойлашган “Туркистон”, “Юсуф хос хожиб”, “Садоқатли”, “Тараннум”, “Маданият”, “Шароф Рашидов”, “Маъмун”, “Намуна”, “Юрт таянчи”, “Яшнар”, “Сийрат”, “Ойдин хаёт”, “Зухро”, “Умид”, “Остона”, “Шодиёна” , “Истиқбол” кўчалари; “Сангар” маҳалласида жойлашган “Нурли манзил”, “Комил Хоразмий”, “Баркамоллик”, “Хива тонги”, “Элобод-1”, “Элобод-2”, “Журжоний”, “Абулғози-Баҳодирхон”, “Ойдин”, “Комилжон Отаниёзов”, “Мададкор”, “А.Икрамов”, “Оқ майдон”, “Муносиблар” кўчалари
18. 19-мактаб	“Дўстлик” маҳалласи	“Дўстлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган коттеджлар ва кўчалар
19. 20-мактаб	“Мевастон” маҳалласи	“Ичан-қалъа” маҳалласида жойлашган кўчалар “А.Балтаев” “Ю.Тошпўлатов” “П.Махмуд” “И.Хўжа”